



**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА
ТАНҚИДИЙ ВА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.35.75.889>

Сулаймонова Дилдора Назаровна

Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, педагогик креативлик педагогларнинг инновацион фаолиятининг асоси ҳамда уларнинг касбий ва шахсий фазилатларининг интеграцияси сифатида муҳим педагогик аҳамият касб этишига урғу бериб ўтилган.

Калит сўзлар: бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси, педагогик компетентлик, креативлик, танқидий ва креатив тафаккур, инновацион фаолият, интеллектуал салоҳият, таълим-тарбия жараёни, модернизация.

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ
ФОРМИРОВАНИЯ КРИТИЧЕСКОГО И ТВОРЧЕСКОГО
МЫШЛЕНИЯ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ
КЛАССОВ**

Сулаймонова Дилдора Назаровна

*независимый исследователь Самаркандского государственного
университета*

Аннотация. Научно и теоретически освещены педагогические возможности формирования критического и творческого мышления у будущих учителей начальных классов. В статье также подчеркивается важность педагогического творчества как основы инновационной деятельности учителей и интеграции их профессиональных и личностных качеств.

Ключевые слова: будущий учитель начальных классов, педагогическая компетентность, творчество, критическое и творческое мышление, инновационная деятельность, интеллектуальный потенциал, образовательный процесс, модернизация.

**PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION
OF CRITICAL AND CREATIVE THINKING IN FUTURE
PRIMARY SCHOOL TEACHERS**

Sulaimonova Dildora Nazarovna

Independent researcher at Samarkand State University

***Abstract.** The pedagogical possibilities of the formation of critical and creative thinking in future primary school teachers are scientifically and theoretically highlighted. The article also emphasizes the importance of*

pedagogical creativity as the basis for the innovative activity of teachers and the integration of their professional and personal qualities.

Key words: future primary school teacher, pedagogical competence, creativity, critical and creative thinking, innovative activity, intellectual potential, educational process, modernization.

Жаҳон миқёсида жамият ривожининг турли соҳаларида креатив ёндашув асосида таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак педагогларнинг танқидий ва креатив тафаккурни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, талаба ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш, креатив потенциалини такомиллаштириш, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлишлик асносида креатив қобилиятларини такомиллаштириш истагини қарор топтириш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мазкур жараён бугунги кунда креатив ёндашув асосида Олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устивор йўналишлари: ноформал (ўқитиш – асосий изланиш “Ҳамкорлик стратегияси” асосида ўқув жараёнига инновациялар, онлайн ўқитиш, тьюторли таълимга урғу берилиши) ва информал (ўқитиш – индивидуал ҳолатда ва шахсий) ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни шакллантиришнинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш, машғулотларнинг интеграциялашувини таъминлашнинг турли моделлари ва технологияларини яратиш заруратини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш” [1] вазифаси белгиланиб, бу борада педагогларнинг креативлигини ошириш, таълим мазмунини такомиллаштириб боришда қулай шароитлар яратиш, педагогик деонтология (юнон. «деонтос» - лойиқлик, муносиб, керакли, тегишли, «логос» - илм, таълимот) [3] ни таъминлаш орқали кутилган натижаларга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Креативлик - (лот. «creativi»; ингл. «creativite» «яратиш», «бунёд қилиш») – бу ижодий қобилиятлик даражаси, шахснинг барқарор сифати ҳисобланадиган ижод қилишга бўлган қобилияти бўлиб, у креатив тафаккур билан боғлиқ. Креатив тафаккур – бу шахснинг ўз олдида турган вазифаларини ностандарт ҳал этиш ҳамда ўз мақсадларига эришишнинг янги, янада самаралироқ йўллари топиш қобилиятидир. Яъни креативлик асосан бошқаларга ўхшамаган ғояларни ўйлаб топиш, анъана тусига кириб қолган фикрлашдан қочиш ҳамда муаммоли вазиятларни тез ҳамда самарали ҳал этиш йўллари билиш ҳисобланади. Креативлик инсондаги ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга асос яратадиган индивидуал сифатларининг ҳамда фикрлаш қобилиятларининг бирлигидан иборат бўлади. [4]

Креатив компетентлик (инг. «creative» яратувчанлик, ижодкорлик). Компетентликнинг бу тури педагогнинг янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. [5]

Бир қатор педагогик адабиётлар таҳлили ва кейинги йилларда илмий изланишлар олиб борилган тадқиқот ишларида ҳам “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” тушунчаларига атрофлича изоҳ бериб ўтилган. “Креатив ёндашув” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, педагогик креативлик – бу ўқитувчининг инновацион фаолиятининг асосий белгиларидан бўлиб, у педагогнинг шахснинг педагогик фаолиятини янгича ташкил этиш, таълим ва тарбияда юқори самараларга эришишга доир ушбу жараёнларга янги тушунчаларни олиб кириш, амалиётда қўллаш, янги кўникмалар билан ҳиссиётларни шакллантириш қобилияти ҳисобланади. Педагогик креативлик унинг ўз-ўзини ривожлантириш омили бўлиб, ўқитувчининг эгаллаган билимларининг кўп қирралиги билан эмас, балки билимларга суянган ҳолда унинг янги ғояларга интилиши, ўрнатилган стереотипларга янгиликлар олиб кириши, уларни ўзгартириши, муаммоларни ечишда қутилмаган, одатдагига ўхшамаган қарорлар чиқариши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам педагогик креативлик педагогларнинг инновацион фаолиятининг асоси ҳамда уларнинг касбий ва шахсий фазилатларининг интеграцияси сифатида тушунилади.

Энди қисқача танқидий тафаккур тушунчасига тўхталиб ўтсак. Жаҳонгир Худойқуловнинг интернет мақоласида танқидий тафаккур тушунчасига қуйидагича изоҳ бериб ўтилган. Юнон тилидан таржимада “танқид” сўзи изоляция, ажралиш деган маънони англатади. Ўзбек тилида танқид тушунчаси бошқа маъно касб этди ва кўп ўлчовли. Танқид тушунчаси инсоннинг барча ақлий фаолиятини ўз ичига олади. Танқидий тафаккур бир нечта маъноларга эга. Ушбу тушунчалар фикрлашнинг ривожланиш босқичларини, таҳлил қилиш қобилиятини, воқеликка муносабатини ифодалайди. [6]

Бу ўқитувчига, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини рағбатлантириш учун танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиясида фойдаланадиган техникаси ва воситаларига боғлиқ. Танқидий тафаккур “баҳолаш” ва “ўз-ўзини баҳолаш”, “танқидийлик” ва “ўз-ўзини танқид қилиш”, “исботлаш” ва “рад этиш”, “танқидий таҳлил” каби тушунчаларни ўз ичига олади. Танқидий тафаккур маданияти амалда қўлланиладиган ишончли далилларнинг усуллари ва усулларини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси шахсни ривожлантиришга, ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради. Жуди Бруз ва Девид Вуд танқидий тафаккурни акс эттирувчи фикрлаш деб билишади. Фикрлаш ўз “мен” ини англаш, объектив бўлиш, ўз нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда бошқа нуқтаи назарларни қабул

қила олиш ва баъзан ўз хурофотларидан воз кечиш орқали шаклланади. Муаммоларни эчишда янги ғояларни илгари суриш ва уларни эчиш йўллари кўриш имкониятига эга бўлиш керак. [6]

Айтиш ўринлики глобаллашув, техноген цивилизация ёш авлод тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказётгани сир эмас, бугунги кун ўқувчисини “ўтмиш эртақлари, воқеалари” билан алдаб бўлмайди, уларни реал воқеаларга асосланган маълумотлар қизиқтиради. Аксарият ҳолларда бир ёшли бола мобиль алоқа воситаларидан фойдалана олаётганлигини «қувонч» билан гапирамиз. Демак, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси замонавий талабларга жавоб берадиган таълим соҳасида кечаётган янгиланишларни билиши, ўз устида тинмай ишлаши, доимий ўзгариб турувчи ностандарт шароитларда амалий фаолиятга инновацион тайёрлигини таъминлаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда, бу эса кўшимча, ноанъанавий, параллел мустақил таълим тизимларини яратишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаммолар орасида энг муҳимлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий тафаккурни шакллантириш, таълим жараёнига креатив ёндашув жараёнини модернизация, инновация ва новация, инновацион таълим технологиялари билан қуроллантириш лозим. Неонологик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни шакллантириш жараёнини мазмунли ташкил қилиш таянч ўқув режасининг қанчалик мустаҳкам эгалланганлигига боғлиқ.

Биламизки, олий таълим ва ижтимоий соҳадаги янгиланишлар асосида таълим унсурлари жиддий ўзгаришларга учради. Шу боис, узлуксиз таълим фалсафаси, қонуниятини, креатив ёндашув асосида таълим муаммоларини қайтадан кўриб чиқиш давр талабига айланиб бормоқда.

Педагогик фаолият ва кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, бўлғуси педагоглар ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч креатив компетенцияларга эга бўлиши лозим. Фикримизча, ҳар бир бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси касбига садоқат билан ёндашган ҳолда:

- интеллектуал-ижодий ташаббуслар кўрсатиши;
- касбий билимларининг кенглиги ва теранлиги;
- интеллектуал қобилиятларга эга бўлиши;
- турли зиддиятларга тайёр туриши;
- иждодий ғояларни илгари суриш ва уларга танқидий муносабатлар билдира олиш;
- янгиликларга интилиш;
- ўзининг тажрибаларини бошқаларнинг тажрибалари билан таққослаган ҳолда ўзининг имкониятлари, камчиликлари ва муваффақиятларини англаб етиши;
- ўзидаги креатив жиҳатларни англай олиши;
- ўзини кўрсата олиши, янгиликларни амалиётга олиб киришга тайёр туриши;
- ҳар бир талаба ўз устида танқидий ёндашган ҳолда тинимсиз ишлаб,

таълим жараёнини лойиҳалашда таълим стратегиялардан ўзи учун мақбулини танлаши мумкин. (Стратегиялардан бирининг танланиши ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, шахсий қизиқишлари, шунингдек, мавжуд ҳаётӣй вазиятларга боғлиқ).

Педагогик таълимда креатив компетенцияларга асосланган ёндашувни амалга ошириш унинг асосий мақсадига эришишига кўмаклашади, бу эса – кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг яширин ақлий қобилиятлари (зукколик, нутқий равонлик ва мантиқий фикрлаш)ни намоён қилиш имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Н.Муслимов ва М Мирсолиеваларнинг фикрларига кўра ҳам ижтимоий фаол таълимда, юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагогик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда креатив компетенциялар муҳим омил сифатида қаралади. [4]

Айтиш ўринлики, замонавий таълимда креатив ёндашув асосида талабалардан танқидий тафаккурни ривожлантириш жараёни – муассасанинг таълимий ва ижтимоий фаолиятининг ажралмас қисмидир, креативлик эса бўлғуси педагогларнинг умумкасбий лаёқатини шакллантиришнинг очик, ўзгарувчан, демократик соҳасидир.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари бизнинг назаримизда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштиришда таълим шароитларига боғлиқ ҳолда интеграция, хилма-хиллик ва мослашувчанлик механизмлари мазмунини мотивацион, замонавий универсал таълим, интеграцион ёндашув, халқаро ҳамкорлик тамойиллари асосида оптималлаштиришнинг илмий - амалий асосларини аниқлаш;

- Олий таълим тизимида иш режа ва календарь режаси мазмунини халқаро меъёрлар ва давлат талабларини имплементация қилиш асосида интеграциялаштирилган замонавий ахборот таълим базасини ишлаб чиқиш;

- ўқув фаолияти жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва инновацион технологияларни татбиқ этиш орқали ўқув-методик ресурсларнинг самарадорлигини аниқлаш;

- ўқув фаолияти натижаларига кўра бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг билим, малака ва кўникмаларининг сифат ва самарадорлигини инновацион баҳолаш тизимини аниқлаш.

Бизнинг назаримизда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни шакллантириш концепциясига кўра талабаларнинг шахсий, психологик, физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги креативлик белгилари ва компонентларини шакллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Креативлик белгилари: (Ж.Гилфорд)

- фикрнинг аниқлиги (муайян вақт оралиғиндаги ғояларнинг хажми),

-фикрнинг ўзига хослиги (бир ғоянинг иккинчисига кўчиши) оригиналлиги, яъни умумий қабул қилинган қарашлардан ажралиб турувчи ғояни яратиш қобилияти,

- қизиқувчанлик, эгилувчанлик
- фаразни илгари сура олишлик, муаммони қўя билишлик қобилияти,
- ҳаёл сура олиш, фантазия қилиш, ностандарт муаммоларни ҳал эта олиш ва ҳ.к.

Креативлик компонентлари: (М.Н.Гнатъко)

- шахснинг ўзига хос хусусияти (интеллектуал, индивидуал)
- ижодкорлик имкониятлари,
- ижодкорлик билан фикрлаш,
- ижодкорлик билан қараш,
- билимлилик,
- ечим топа билиш,
- ташкил этувчанлик,
- муаммоларни мустақил ечиш [2]

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг креативлик хусусияти айниқса педагог кадрлар учун жуда муҳимдир. Инсон тафаккурига хос бўлган педагог фаолиятининг инвариант ва вариатив қисмларни ёритувчи лойиҳаларни яратиш ҳам педагоглардан билимдонликни, ақлий зўриқишни, бугунги тил билан айтиладиган бўлса, педагогик компетентлиликни талаб қилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафаккурни унинг ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусият ва салоҳиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш учун, аввало, муаллимнинг ўзи “зукко” бўлмоғи шартдир. Бунинг учун педагогларнинг ўзаро дарсларига кириши, очик дарслар, ижодий фаолият олиб боришга қаратилган лойиҳалар устида ишлаши, семинарлар, касб билан боғлиқ турли конкурслар, илмий-амалий конференциялар, ижодий лабораториялар ҳам педагогларнинг креатив потенциалини ривожлантиришга муҳим педагогик аҳамият касб этади. Фанда улар мухтасарликда креатив компетентлик деб аталади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

2.Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили; монография/ О Мусурмонова Т.: “Yoshlar nashriyot uyi”, 2020.184

3.Педагогик атамалар луғати. / Ўзбек, рус, инглиз тилларида/ О.Мусурманова ва бошқалар. Т.: “TURON – IQBOL”, 2019.844

4.Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфулов Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: Sano-standart, 2015. –120 бет.

5.Педагогик технология: муаммо ва истикболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.

6.Жаҳонгир Худойқулов. Танқидий тафаккур тушунчаси ва унинг таълим жараёнидаги роли. file:///C:/Users/User/Downloads/tan-idiy-tafakkur-tushunchasi-va-uning-talim-zharayonidagi-poli.pdf